



Заковат - ақл чархи



Ёшларнинг интеллектуал билимини янада ошириш, зукко ва билимдон ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тумандаги таълим муассасалари орасида Қумқўрғон тумани 1-сектор раҳбари кубогига старт берилди.

"Улуғбек" маҳалласидаги 1-сонли умумтаълим мактаби ва 11-сонли АФЧЎИМИ ўқувчиларидан ташкил топган 6 та жамоалар ўртасида "Заковат" интеллектуал ўйинининг илк турлари ўтказилди.

Тадбирда туман Ёшлар иттифоқи ва Ёшлар ишлари агентлиги иштирок этиб, билимли ёшларни қўллаб-қувватлашини "Заковат" интеллектуал ўйини доимий

равишда давом этишини айтиб ўтди.